



Касаба уюшмалари бозор шароитида

# ҲАР БИР ОДАМ ЎЗГА ОЛАМ

Касаба уюшмалари ўз аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш борасида вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик жамиятни шакллантириш, вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жабҳаларида юз бераётган ижобий ўзгаришларда касаба уюшмаларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Касаба уюшмалари корхона ва ташкилотларда меҳнаткашларга иш ҳақи ўз вақтида берилишига ҳам ўз хиссасини қўшмоқда. Хусусан, ўтган йили вилоят прокуратураси ташаббуси билан иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш бўйича қатор тadbирлар амалга оширилди. Касаба уюшмалари мутахассислари мазкур муаммо мавжуд корхоналарда бўлиб, масалани атрофлига ўргандилар ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатди.

Тахлиллар шуни кўрсатдики, иш ҳақидан қарздорлик юзига келишининг асосий сабабларидан бири айрим корхона ва ташкилот раҳбарларининг ўқувсизлиги, бозор шароитида ишлашга тайёр эмаслигидир. Сўзимизнинг ис-

боти сифатида вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳамда тармоқ кўмиталари томонидан иш ҳақини ўз вақтида тўламаган 138 та корхона, бирлашма, ташкилот раҳбарларига юборилган эътирозномалар, 77 та корхона, ташкилотга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилинганини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бундай камчилик ва хатоликка йўл қўйган 19 нафар мансабдор шахс 130340 сўмлик жаримага тортилди.


Жамоа шартномалари, битим ва келишувларнинг бажарилишига келсак, вилоятдаги аксарият корхона ва ташкилотларда улар тўлиқ ижросини улоқитганини таъкидлаш мумкин. Аммо, бу борада юзлар билан бир қаторда камчиликлар мавжудлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, иш ҳақини ўз вақтида бермаслик, оғир меҳнат шароитида ишлаганлар учун махсус кийим-бош-сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлашда узилишларга йўл қўйилмоқда. Кенгаш жойларда бундай камчилик ва нуқсонларнинг такрорланмаслиги учун бор имкониятларни ишга солмоқда.

Касаба уюшмаларининг муҳим вазифаларидан яна бири инсон учун хавфсиз ва етарли иш шароитларини яратиш бериш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунларнинг бажарили-

шини назорат қилишдир. Ўтган йили вилоятдаги корхоналарда 52 та бахтсиз ҳодиса қайд этилиб, улардан 21 таси ўлим билан тугаган. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши вилоят меҳнат бошқармаси, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорликда бахтсиз ҳодисаларнинг сабабларини ўрганди. Жабр кўрганлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоратadbирлар кўрилди. Меҳнат муҳофазаси бўйича қонунларни бузганликлари учун 29 нафар мансабдор шахсга жарима солинди.

Кенгаш меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш, имтиёзлар яратиш бериш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, ишловчи кўп болали, кам таъминланган аёллар диққат марказида турибди. Хусусан, оналар учун бериладиган ҳомиладорлик таътилларини узайтириш жамоа шартномаларига киритилиб, ўтган йилнинг ўзида 19281 нафар аёлга нисбатан татбиқ этилди. Шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳисобидан ходимларга нафақа ва тўловларнинг ўз вақтида тўланишига эришилди.

**А. ЮНУСОВ,**  
Фаргона вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси.



## ҲОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишида кичик ва ўрта бизнес соҳасида фаолият кўрсатаётган хусусий тadbиркорларни қўллаб-қувватлаб, уларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиб келинмоқда. Ана шу соҳада ишлаётган одамлар меҳнатини рағбатлантириш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишнинг янги-янги имкониятларини қидириб топиш бугунги куннинг асосий талабига айланган. Шу мақсадда мамлакатда хусусий тadbиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтиришга оид қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилаётир. Президентимиз соврини учун ҳар йили аънавий ўтказиладиган «Ташаббус» кўрик-танловлари эса тadbиркорларни рағбатлантириш, ўз имкониятларини тўлароқ намоеён этишда ўзига хос омил бўлаётир.

Пойтахтимизда ана шундай кўрик-танловнинг шаҳар босқичи якунланди. Унда Тошкентнинг барча туманларидан вакиллар иштирок этди.

Иштирокчилар ўз маҳсулотларини намойиш этиш билан бирга иқтисодий билимлари бўйича ҳам тест саволларига жавоб кайтарди. Ҳамза туманидан Ш.Шоаҳмедов «Энг яхши хунарманд», Яккасарой туманидан Б.Мирҳабибов «Энг яхши тadbиркор» деб топилди.

(ЎЗА).

Самарқанд шахрини халқаро туризм марказларидан бирига айлантиришда хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Ҳозирги кунда «Ўзолмонхотелз» қўшма корхонаси то-

монидан бунёд этилаётган тўрт юлдузли меҳмонхона шулар жумласидандир. Меҳмонхонани куришда Германиянинг «Импорбермоқда. Ҳозирги кунда «Ўзолмонхотелз» қўшма корхонаси то-

маси ва маҳаллий курувчилар иштирок этишмоқда.

**Суратларда: меҳмонхона курилишидан лавҳалар.**

Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## Омилкорлик

# 22 МИЛЛИОН ҚЎШИМЧА ҲОЙДА

**Қизилтепа туман Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси билан тузилган жамоа шартномаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Қадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» талабларини бажаришда муҳим омил бўлаётир. Бу муҳим ҳужжатда 6184 нафар ўқитувчи, тарбиячи, хизматчи ҳамда 1078 нафар талабанинг манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини ижтимоий, иқтисодий ҳимоялаш масалалари акс этган.**

Туман халқ таълими бўлими касаба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда ҳисобот йилида бир қатор ишларни амалга оширди. Айниқса, иш берувчи ва иш бажарувчи ўртасидаги муносабатни шакллантиришда касаба уюшмаси фикри ҳисобга олинаётир. Жумладан, ўтган йили 43 нафар ўқитувчи ва тарбиячига шу асосда янги иш ўринлари яратилди. Ўқитувчи-мураббийлар 15 фоизли рағбатлантириш жамғармасидан баҳраманд бўлдилар. Қисқаси, Президент Фармонларида кўзда тутилган барча имтиёзлардан фойдаландилар. 300 нафар бола ёзги ором-ҳафларда хордиқ чиқарди. 33 нафар соҳа ходимига соғлиқларини тиклаш учун йўлланмалар ажратил-

лари томонидан ижобий баҳоланди. Шунингдек, М.Қобилов номли мактабда тарих, И.Хўжаев номли мактабда она тили, Ф.Ғуллом номли мактабда чизмачилик, Т.Ҳамидов номли мактабда рус тили фанлари бўйича синов майдончалари ташкил этилди.

Кейинги икки йил ичида Ф.Ғуллом номли мактабнинг расм, чизмачилик фани ўқитувчиси Муҳаррам Ҳолова 1-даражали «Соғлом авлод» ордени, А.Дониш номли мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Кенжа Ярашева «Шухрат» медали, халқ таълими бўлими услубшуноси Б.Темиров «Меҳнат шухрати» ордени, Улғубек номли мактаб директори Мавжуда Турдиева «Хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвони билан тақдирландилар.

Касаба уюшма кўмитасининг яқиндан берган ёрдами тўғрисида маълумотларни қўшимча қилиш мақсадида «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловларини ўтказиш аъ-

ана тусига кирди. Мактабларда тadbиркорликни шакллантириш ва шу асосда сармоядан ташқари маблағ топишда ҳам муайян ишлар қилинди. Бу борада айниқса, «Зарафшон», Бўстоний, С.Айний, Ал-Бухорий, М.Қобилов, А.Темур номли мактабларда ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Улғубек номли мактабда оҳақ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Фурқат, Ал-Бухорий номли мактабларда мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланиш ҳисобига сармоядан ташқари маблағ ишлаб топилди.

Ўтган йил мобайнида шу йўл билан 22 миллион сўм қўшимча даромад олинган бўлса, хомийлар томонидан таълим муассасаларига 1.278.600 сўм ёрдам тариқасида берилди.

**Турсунпўлат ФАТТУЛАЕВ,**  
Қизилтепа туман халқ таълими бўлими мудир.

## ВИДЕОФИЛМ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Ўзини-ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла ҳалқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва бой аънавларига таянган ҳолда иш юритаётгани кўзланган самарани бермоқда. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг ўзаро муносабатларини адолат мезонлари асосида тартибга солиб туради. Миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шари учун кураш каби ҳислатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни бекиёс. Шу боисдан ҳам бу ерда турли мавзулардаги тadbирларнинг ўтказилиши айни муддаодир.

Пойтахтимизнинг Яккасарой тумани «Ракат» маҳалласида «Экология ва соғлом турмуш тарзи», «2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили» каби мавзуларга бағишланган анжуман ҳам шулар жумласидандир. Унда «Биозкосан» республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси, туман халқ таълими бўлими, туман прокуратураси, «Ракат» маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси, фаоллар, ота-оналар ва 144-мактаб ўқувчилари иштирок эттиди. Саломатлик — инсон учун энг бебаҳо неъмат эканлиги тўғрисидаги мавзу анжуманининг асосий мақсади бўлди.

Анжуманда кимё фанлари доктори, профессор К.Розиковнинг «Атроф муҳит муҳофазаси оиладан бошланади», тиббиёт фанлари доктори, профессор Д.Тешабоевнинг «Шарқ табobati ва инсон саломатлиги», биология фанлари номзода Ж.Содиқовнинг «Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш», «Биозкосан» Республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси услубчиси Х.Ахмедованинг «Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти» мавзуларида маърузалари тингланди.

Тadbир охирида гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида видеофильм намойиш қилинди.

К.Боймуродова, «Ишонч» муҳбири.

**АҚШНИНГ АСТР/ACCELS ташкилоти томонидан 2001 йил МДХ давлатларида демократия ва ўзини-ўзи бошқариш органларини ривожлантириш мақсадида грант ажратилиб, уни амалга ошириш учун 14 та мамлакатдан 143 та лойиҳа тақдим этилган эди.**

## ОҚСОҚОЛЛАР ЎҚУВИ

Танловда маъқулланган 24 лойиҳа орасида СамДУ доценти Х.Шодиёвнинг «Маҳалла оқсоқолларининг малакасини ошириш курси» лойиҳаси ҳам юқори баҳо олди.

Ушбу лойиҳа асосида Самарқанд Ресурс марказида ташкил этилган икки ойлик ўқув курсининг биринчи босқичи ниҳоясига етди. Машғулотларда Сиёб, Темирийўл ҳамда Боғишамол туманларидан келган 50 нафар маҳалла оқсоқоли ҳамда фаоллар иштирок этди. Улар махсус дастур асосида компьютерда ишлашни, интернет ва электрон почтадан фойдаланишни ўрганди.

(ЎЗА).

**Оқлий меҳнаткаш баъзида, адолатсизликка дуч келган вақтда ўзи учун энг яхши бўлган ташкилот — касаба уюшмаларига мурожаат қилади. Ана шундай ҳолатда ушбу нодавлат ташкилот тегишли қонунларга асосланиб, меҳнаткаш ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун астойдил ҳаракатга тушади.**

Ўтган йил давомида вилоят кўмитаси раҳбарияти ва бўлим бошлиқлари томонидан 260 нафар ишчи ва пудратчи қабул қилиниб, уларнинг 90 фоизини талаб ва истаклари қондирилди. Бундан ташқари, 22 та ёзма ариза тушган бўлиб, шундан 21 таси ижобий ҳал қилинди. Битта ариза эгасига тушунтирилди. Масалан, Урганч туманидаги Жалолиддин Мангуберди номли ширкат хўжалигининг бедачилик бригадаси аъзолари ва чорвадорлари М.Кенжаев, М.Ражабов, С.Сапаева, К.Бобожонов, Р.Бекчанов, А.Алланазаровлар 2000 йилнинг уч, ўтган йилнинг икки ойлик маошларини ололмаётганлари ҳақида кўмитамизга шикоят қилган эдилар. Бундан ташқари, шикоятда жамоа хўжалиги ширкат хўжалигига айланиши муносабати билан ҳеч қандай оғоҳлантиришсиз уларни ишдан бўшатиб юборилганлиги ҳам ай-

тилган эди. Ариза атрофлича ўрганиб чиқилди. Натилжада ширкат хўжалиги

раҳбарлари чорвадор ва бедачилик бригадаси аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқларини чекланганлиги маълум бўлди. 12 нафар чорвадор ва бедачилик бригадаси аъзоси ишга тикланиб, 448 минг сўм иш ҳақи эгаларига қайтарилди. Ўтган йил давомида тармоқ вилоят кўмитаси аралашуви билан мажбурий бекор юрган, ишдан бўшаган бўлса-да, ходим билан тўғри ҳисоб-китоб қилмаган ҳолатлар бўйича ходимларга ундириб берилган пул миқдори 7 миллион сўмдан зиёдни ташкил қилади.

Меҳнаткашларни ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етишларида ҳуқуқий таърибот-ташвиқотнинг

аҳамияти каттадир. Худди шу мақсадда ўтган йили 14 марта бошлангич касаба уюшма ташкилотларининг семинарларини ўтказдик. Шунингдек, ўз саҳифаларида ҳуқуқий ташвиқотга кенг ўрин берадиган «Ишонч» газетасида касаба уюшма ташкилотлари ва

буна қишлоқ катта эътибор қилдик ва республикада бу борада энг яхши кўрсаткичга эришдик. Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида ўтган йил давомида 101 та ташкилот, муассаса ва корхоналарда текириш ўтказилди. Камчилик ва нуқсонларга йўл қўйган раҳбарлардан 84 нафарига ёзма кўрсатмалар берилди. Меҳнат қонунини кўпол равишда бузган 7 нафар мансабдор шахсга жарималар солинди.

Ўтган йили кўмитага тушган ариза ва шикоятлар орасида меҳнат қобилятини йўқотиб, меҳнат қонун буйича ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш олмаётган касаба уюшма

пертизаси комиссияси (ТМЭК) томонидан йилдаги ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш мақсадида 90 фоиз иш қобилятини йўқотган. Лекин ширкат хўжалиги маъмурияти унга меҳнат жароҳати учун тўловларни белгиланганидан кам

## Меҳр қолур

аъзолари анчагина эди. Шулардан бири Шовот туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги аъзоси Болтаев Раҳимов кўмитамизга ёзган аризасидан бир йил олдин Шовот тиббий меҳнат эк-

берганди. Шовот туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги аъзоси Болтаев Раҳимов кўмитамизга ёзган аризасидан бир йил олдин Шовот тиббий меҳнат эк-

берганди. Шовот туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги аъзоси Болтаев Раҳимов кўмитамизга ёзган аризасидан бир йил олдин Шовот тиббий меҳнат эк-

берганди. Шовот туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги аъзоси Болтаев Раҳимов кўмитамизга ёзган аризасидан бир йил олдин Шовот тиббий меҳнат эк-

## Қарор ва ижро

# ПЕНСИЯ:

## қайта ҳисоблашдан сўнг

Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан шу йил 1 январдан пенсиялар миқдорларини қайта ҳисоблашда фуқароларнинг меҳнат стажлари тўлиқ ҳисобга олиниб, пенсиянинг асосий миқдори белгиланади ва сўнгра қонунчиликда кўзда тутилган устамалар қўшиб берилади.

Туманимизда 2755 нафар ёшга доир, 1309 нафар ногиронлик, 526 нафар боқувчисини йўқотганлик давлат пенсияси билан таъминланганлар истиқомат қилишади.

Маъмур Карор асосида туманимизда пенсиялар миқдорларини қайта ҳисоблаш тўлиқ туғалланди. 295 нафар пенсионернинг нафақа пули миқдори сезиларли ошди. Масалан, Т.Малик номли хўжаликда истиқомат қилувчи пенсионер Исмоил Носиров 59 йилу 5 ой иш стажини билан 21094 сўм оларди. Пенсия миқдорини қайта ҳисоблашдан сўнг 1 январдан бошлаб 24455 сўм оладиган бўлди.

1 гуруҳ ногирони Ўқтам Юсупов 21 йиллик иш стажини билан аввал 16.378 сўм олаётган бўлса, эндиликда нафақа миқдори 18.521 сўмга етди.

## Қарор ва ижро

# ПЕНСИЯ:

## қайта ҳисоблашдан сўнг

Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан шу йил 1 январдан пенсиялар миқдорларини қайта ҳисоблашда фуқароларнинг меҳнат стажлари тўлиқ ҳисобга олиниб, пенсиянинг асосий миқдори белгиланади ва сўнгра қонунчиликда кўзда тутилган устамалар қўшиб берилади.

Туманимизда 2755 нафар ёшга доир, 1309 нафар ногиронлик, 526 нафар боқувчисини йўқотганлик давлат пенсияси билан таъминланганлар истиқомат қилишади.

Маъмур Карор асосида туманимизда пенсиялар миқдорларини қайта ҳисоблаш тўлиқ туғалланди. 295 нафар пенсионернинг нафақа пули миқдори сезиларли ошди. Масалан, Т.Малик номли хўжаликда истиқомат қилувчи пенсионер Исмоил Носиров 59 йилу 5 ой иш стажини билан 21094 сўм оларди. Пенсия миқдорини қайта ҳисоблашдан сўнг 1 январдан бошлаб 24455 сўм оладиган бўлди.

1 гуруҳ ногирони Ўқтам Юсупов 21 йиллик иш стажини билан аввал 16.378 сўм олаётган бўлса, эндиликда нафақа миқдори 18.521 сўмга етди.

## Қарор ва ижро

# ПЕНСИЯ:

## қайта ҳисоблашдан сўнг

Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан шу йил 1 январдан пенсиялар миқдорларини қайта ҳисоблашда фуқароларнинг меҳнат стажлари тўлиқ ҳисобга олиниб, пенсиянинг асосий миқдори белгиланади ва сўнгра қонунчиликда кўзда тутилган устамалар қўшиб берилади.

Туманимизда 2755 нафар ёшга доир, 1309 нафар ногиронлик, 526 нафар боқувчисини йўқотганлик давлат пенсияси билан таъминланганлар истиқомат қилишади.

Маъмур Карор асосида туманимизда пенсиялар миқдорларини қайта ҳисоблаш тўлиқ туғалланди. 295 нафар пенсионернинг нафақа пули миқдори сезиларли ошди. Масалан, Т.Малик номли хўжаликда истиқомат қилувчи пенсионер Исмоил Носиров 59 йилу 5 ой иш стажини билан 21094 сўм оларди. Пенсия миқдорини қайта ҳисоблашдан сўнг 1 январдан бошлаб 24455 сўм оладиган бўлди.

1 гуруҳ ногирони Ўқтам Юсупов 21 йиллик иш стажини билан аввал 16.378 сўм олаётган бўлса, эндиликда нафақа миқдори 18.521 сўмга етди.

Раҳим ЭСОНОВ, Ш.Рашидов туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи.





**Наврўз байрамига бағишланган тадбирларда ўз кўшиқлари билан иштирок этиш учун санъаткорлар аллақачонлар тайёргарликни бошлаб юборишган. Туркистон саройида ўтказилган Наврўз байрамига бағишланган энг сара кўшиқлар, хушовоз хонандалар танлаб олиними ҳам шунинг исботи. Уша куни мухташам саройда жарангланган кўшиқлар қалбларга селдек куйилди:**

## НАВРЎЗ КЕЛАЁТИР БОҒЛАРИМИЗГА

Бу кўшиқларни бизга қорақалпоғистонлик ёш ижрочилар тақдим қилишди.





**Рухларга байрам бўл, дардларга малҳам, Совуқ тошлардан ҳам гуллар ундириб. Файзлар ато этгил ҳофизингга ҳам Торига булбулни кўйгил кўндириб. Жонингга пайваста жон бўлай ўзим Эй, сен бобо юртим менинг Наврўзим.**

Наврўз ҳақида бурундан кўшиқлар кўп ва хўп айтилган. Асл санъат ҳеч қачон ўлмаслигини ҳаёт бизга исботлаб берди. Наврўзни тилимиздан ўчирган бўлсаларда, у барибир дилларимизда сақланиб қолди. Ана ўша дилдаги, қалб тўридаги гаплар бугун тилларимизга кўчди. Энди Наврўз ҳақида айтсак, айтаверсак барибир камлик қиладигандай.

Наврўзга бағишланган кўшиқлар танлов

босқичида 85 санъаткорнинг ҳаммаси баҳор, муҳаббат, меҳру оқибат ҳақида кўшиқлар куйлашди.

— Буни қарангки, бу йилги саралаш босқичида 85 фоиз ёшларимиз миллий руҳдаги кўшиқларни жўшиб куйлашди, — дейди «Ўзбекнаво» репертуар ва назорат бошқармаси бошлиғи Нурмухаммад Муҳамедов. — Менимча, чет эл муסיқаларига тақлид қилишлар энди камаймоқда. Айниқса, миллий руҳдаги кўшиқни эшитганимизда руҳланиб, тўлқинланиб кетасан киши. Мана эшитингиз: **Эл учун туғилган эр йигитларинг Эрназар, Алиёр каби мардларинг Рухий куч қўшади кучингга сенинг Мардларинг макони бебаҳо халқим.**



**ISHONCH**

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ**

## ХАЛҚАРО ТУРНИРГА ҲОЗИРЛИК

Халқаро олимпиада кўмитаси қарори билан мусобақалар дастурига бал-рақс спорти ўйинлари ҳам киритилди. Рақс санъатига яқин бўлган бу тур республикамизда ҳам ривож топа болади.

Буни Абдор Ҳидоятлов номидаги театрда яқинда ўтказилган бал-рақс спорти танлови ҳам кўрсатиб турибди. Санъат ижроси ва чақонлик маҳорати намойишига айланган беллашувда пойтахтимиздаги «Триада», «Семурғ», «Ёшлик» каби ижодий студиялар вакиллари қатнашдилар.

Ҳали деб топилган «Триада» студияси ёш санъаткорлари эса Қозоғистоннинг Бойкўнғир катта спорт мажмуасида ўтказилган турнирда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Халқаро мақомга эга бўлган бундай мусобақада студия кизгин тайёргарлик кўрмоқда. Бунинг учун республика ўқувчилар саройида яхши шароит яратиб берилди.

**А.АЛИЕВ.**



Ёш санъаткорлар бировнинг муסיқаси ўзимизники бўлмаслигини тушуниб етишмоқда. Ижод дегани асли изланиш, янгилик яратиш дегани эмасми? Ва, қолаверса, бировнинг тўни бошқа бировга тўғри келмаганидек, ҳар ким ўз сози, ўз овозига эга бўлсин.

Яна бизни хурсанд қилган нарса шу бўлдики, ижрочилар энди кимларнинг шеърларига мурожаат қилиш ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўришганга ўхшайди. Муҳаммад Юсуф, Бобур Бобомурод, Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Барот Исроиловнинг шеърларига куй басталаб, кўшиқлар яратганлар оз эмас.

Эрталаб бошланган саралаш босқичи кечга томон поёнига етди. Энг яхшилари Наврўз байрами куни Ўзбекистон бўйлаб янгради.

**Бинафша баҳорининг парирўй қизи, Не сирлар битилмиш япроқларингга. Сен унинг пойига кўнглинг тўшагин, Наврўз келаётир гул боғларингга.**

**Барно СУЛТОНОВА.**

## Спорт ҚИЗГИН ВА МУРОСАСИЗ

**Бухорода юнорум кураши бўйича еттинчи аънавий турнир ўтказилди. Унда вилоятнинг 100 нафарга яқин полвони гиламга тушди.**

Қизгин ва мурасасиз ўтган баҳсларда Бухоро шаҳридан Феруз Шодиев, Хуруш Аббосов, Хуршид Тошев, Раҳим Ҳақбердиев, Шаҳоб Шарипов, Фани Отабоев, Бобир Ҳайитов, вобкентлик Илхом Пўлатов, Бехруз Расулов, Жасур Қамбаров, Отабек Мухиддинов ҳамда ромитанлик Алим Холиқов ўз вазн тоифаси бўйича шохсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

**(ЎЗА).**

**Наманган шаҳрида ташкил этилган сайлда кураш мусобақалари борарди. Майдонга кўплар тушишди. Фарғона вилоятилик таниқли полвонга эса тенг келадиган рақиб топилмади. Чунки билалқларда пайларни ўйнаб турган полвоннинг қадди-қомати, қолаверса, юзининг икки тарафига тарвақайлаган мўйлаби унча-мунча одамни чўчйтиб қўярди. Лекин, у кўп кутиб қолмади. Майдонга ўртадан кўра тик гавдали, эскироқ қора чопон кийган йигит тушиб келди.**

## ТҮЙЧИ ПОЛВОН МАКТАБИ

— Об-бо, бу рақибининг ярим гавдасича ҳам келмайди-ку! - деди томошабинлардан бири. — Шошиб чиқмадимкан, ишқилиб!

— Уртада ҳеч ким кўринмагач, хижолат тортиб чиқди-ёв, ориятли экан, — бошқаси гап қўшди.

Шу пайт учинчи бир киши кафтини кафтига қарсиллатиб урди:

— Отангга раҳмат! Ахир, бу ўзимизнинг тўрақўрғонлик Тўйчи полвон Сиддиқовнинг набираси Неймат полвон-ку! Кам бўлма, йигит.

Рақиб ва ўзининг гавдалари ўртасидаги сезиларли тафовут сабабини Неймат полвон аввалига биров қийналгандек бўлди. Фарғоналик полвон ҳатто

бир-икки марта рақибини йикитишга уриниб кўрди. Бироқ, бир пайт фарғоналик полвон рақибининг елкасида икки бор айланди, гупиллаб ерга йиқилди. Тўғриси, бу юз берганлигини кўпчилик англолмай қолди.

— Ана, айтмадимми, - деди боя Неймат полвон таърифни келтирган томошабин. — Сиддиқовлар авлодида ўғил бола туғилса, қадам босиши биланоқ курашга ўргатишади.

Дарҳақиқат, Тўрақўрғон — полвонлар юрти. Шу ерлик Тўйчи полвоннинг довуғи узоқ-узоқларга етиб борган. У белбоғли кураш, улоқ бўйича қўшни республикалар, ҳатто, Болтиқбўйи ва Кавказорти элларидан майдонга тушиб, бирон

## Сулала

марта совринсиз қайтмаган.

Бугунги кунда Тўйчи полвон яратган аънавларни уларнинг фарзандлари, набиралари давом эттиришмоқда. Шуниси муҳимки, мустақилликдан сўнг миллий спорт турлари, хусусан, курашга эътибор кучайди. Туманда 1993 йилда Тўйчи полвон Сиддиқов номидаги кураш мактаби ташкил этилди ва у айни пайтда вилоят миқёсида таянч марказга айланиб бормоқда. Кураш мактабига Тўйчи полвоннинг набираси, хизмат кўрсатган мураббий Неймат Тўйчиев раҳбарлик қилмоқда. Мактабда сабоқ олган юздан ортиқ йигитлар белбоғли кураш равнақиға муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Республика биринчиликларида қатнашган Неймат полвон шогирдларидан 33 нафар чемпионлик унвонига сазовор бўлиб, олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилинганлиги бунинг яна бир далилидир.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.**

## Биласизми?

**ЯСАМА ГУЛ**

Руминларнинг ота-болалари илк баҳорда қийим-бошларини ясама гуллар билан безатиб, сайл ўтказишарди. Бу расм руминларда ҳозирда ҳам сақланган. Румин қизлари, ёш аёллари қўйларнинг кўрағи ва этакларига ипақдан гуллар тикадилар.

Руминларнинг ана шу расми тўғрисида эртанг ҳам тўқилган. Баҳор яқинлашиб қолган эди. Ҳамма интизор, гунафшани зорикиб кутди. Лекин гунафша совуқдан кўрқиб ер бағрида жон сақлаб ётибди.

Яхшиямки, подачининг қизи бор экан. У одамлар жонига ора кирди. У турли рангларга бўялган иллардан ҳар хил гуллар тўқиб, пустинига қадаб, шу ясама гуллар билан безатди.

Буни кўрган йигит қизлар ва кексалар ҳам ўз эғниларига подачининг қизига ўхшаб ясама гуллар тақиб оладилар.

Қиз ҳам одамларнинг гулга бурканганини кўриб, ўз ўрнини баҳорга бўшатиб беради. Шу кундан бошлаб ясама гул тақиб румин халқига расм бўлиб кетган экан.

## БОСМА ҚОҒОЗ

Сиеҳни бир зумда шимиб оладиган босма қоғознинг ихтиро қилинишига ушбу воқеа сабаб бўлган эди. Англиядаги қоғоз фабрикаларининг бирида ўз хизматини адо этаётган бир ишчи қоғоз қилиш учун тайёрланган хамирсимон хомашёга елим кўшишни унутиб қўяди. Ишчи бу хатоси учун фабрикадан ҳайдалади.

Елим қўшилмай тайёрланган қоғоз намни ўзига жуда яхши сингдиришини тез орада пайкаб қолишди. Корхона эгаси ишнинг кўзини билдирган одам эди.

У ўз корхонасидаги бутун ишни фақат босма қоғоз ишлаб чиқаришга мослаштиради.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари қасаба уюшма Марказий Кўмитаси Марказий кўмита ташкилий бўлими мутахассиси Шаҳодат Тўлагановага волидаи муҳтарамаси

**АРОФАТ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари қасаба уюшма Марказий кўмитаси ҳамда Сурхондарё вилоят тармоқ кўмитаси вилоят маиший хизмат уюшмасининг раисси Очил Шодмоновга волидаи муҳтарамаси

**ҚУРБОНОЙ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

**Республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиали аукцион ва танлов савдоларига таклиф этади!**

**2002 йил 4,10 апрел кунлари соат 15.00 да Конимех туман ҳокимлиги мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига куйидаги мулклар кўйилади:**

Конимех тумани, Кенжаев кўчасидан уй-жой қуриш учун 12 дона, ҳар бирининг майдони 400 кв.м ер майдонлари.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 12000 сўмдан.**

**2002 йил 3,9 апрел кунлари Навоий шаҳрида соат 15.00 да Давлат мулки кўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига куйидаги мулклар кўйилади:**

Навоий қурилиш бошқармасига қарашли «МИНСК-11» русумли музлатгичи.

**Бошланғич баҳоси - 36 000 сўм.**

**2002 йил 3,9 апрел кунлари Навоий шаҳрида соат 16.00 да Давлат мулки кўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган танлов савдоларига куйидаги мулклар кўйилади:**

Навоий нефт базасига қарашли

Навоий шаҳрида жойлашган 4-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси ва унинг таркибидagi техник хизмат кўрсатиш пункти.

**Бошланғич баҳоси - 15 400 000 сўм.**

**Танлов савдоларидан объектни сотиб олишнинг шартлари:**

- 1.Объектни сотиб олгандан сўнг, объект фаолият кўрсатиши даврида амалдаги қонунлар бўйича харидорларни нефт маҳсулотлари билан доимий таъминлаш.
- 2.Объектдан фақат нефт маҳсулотлари сотиш мақсадида фойдаланиш.
- 3.Объект бузилишга тушган тақдирда унинг кейинги фаолиятини маҳаллий ҳокимлик билан келишилган ҳолда амалга ошириш.
- 4.Объект янги қурилиш бўлиши муносабати билан бузилса, Давлат мулки кўмитасининг ҳудудий бошқармаси кейинги муносабатларда масъулиятни ўз зиммасига олмайди.
5. Объектни ижарага бериш, сотиш ёки объектнинг номини ўзгартириш истаги бўлган тақдирда, Давлат мулки кўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоятда хусусийлаштирилган АЁКШлар уш-

маси билан келишилган ҳолда амалга ошириш.

**2002 йил 5,11,16 апрел кунлари соат 15.00 да Қизилтепа тумани ҳокимлиги мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига куйидаги мулклар кўйилади:**

Қизилтепа тумани А.Навоий ширкат хўжалиги 2-участкасидан уй-жой қуриш учун 8 дона, ҳар бирининг майдони 600 кв.м ер майдонлари.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 14000 сўмдан.**

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин, ер майдонлари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.

**Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижий сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан Республика Кўчмас мулк биржаси Навоий вилояти филиалига мурожаат қилишларини сўраймиз**

**Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси 24-уй.**

## Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

**E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net**

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди 22.00

Махсуслими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотува эркин нархда.

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.